

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ЛУҒАТЛАРИДА ФОНОСТИЛИСТИКА ВОҚЕЛАНИШИ



Қундуз САПАРОВА
филология фанлари доктори, доцент
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари ниверситети

Аннотация

Мақолада рус ва ўзбек тиллари луғатларидаги сўзлар фоновариантларини стилистик жиҳатдан талқин қилиш муаммолари кўриб чиқилган, услубий белгиларни тақдим этишдаги турфа хилликларнинг сабаблари таҳлил қилинган ва бу сабаблар қаторига сўзлар, уларнинг фонетик вариантлари қўлланишидаги эволюцион ўзгаришлар ёки луғатларнинг турли мақсад ва вазифалари киритилган. Тил тараққиёти ва унинг қўлланишидаги асосий тенденцияларни аниқлаш лексик бирликлар ва уларнинг луғатлардаги вариантларига функционал-стилистик ёки бошқа луғат белгиларини адекват қилиб беришга ёрдам беради.

Аннотация

В статье рассматриваются проблемы стилистической интерпретации фоновариантов слов в словарях русского и узбекского языков, анализируются причины разногласий в подаче стилистических помет, к числу которых относятся эволюционные преобразования в области функционирования слов и их фонетических вариантов или же разные цели и задачи словарей. Определение основных тенденций развития и функционирования языка может способствовать адекватной подаче функционально-стилистической или другой словарной пометы лексическим единицам и их вариантам в словарях.

Abstract

The article considers the problem of stylistic interpretation of phonovariants of words in the dictionaries of the Russian and Uzbek languages, analyzes the causes of differences in the application of stylistic litter, including evolutionary transformation in the functioning of words and their phonetic variants, or different goals and objectives of the dictionaries. The definition of the basic tendencies of development and functioning of language can contribute to an adequate supply of the functional-stylistic or other dictionary labels of the lexical units and their variants in dictionaries.

Калит сўзлар: фоностилистика, фоновариант, талаффуз варианти, услубий бўёк, луғавий белги, услубий белги.

Ключевые слова: фоностилистика, фоновариант, произносительный вариант, стилистическая окраска, словарная помета, стилистическая помета.

Keywords: phonostylistics, phonovariant, pronunciation variant, stylistic colouring, feature, dictionary label, stylistic labels.

Ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари луғатларида сўз фоновариантларига стилистик изоҳ беришда лексикографик мезонларга асосланилса-да, уларда белгилардан фойдаланишда фарқлилик кўзга ташланади. Бир луғатда қабул қилинган стилистик белги бошқа луғатда (луғатларда) баъзан тамоман ўзгача берилади. Шунинг учун турли луғатларда стилистик белгилар тизими ҳар хил таснифланади.

Рус ва ўзбек адабий тиллари луғатларидағи сўз фоновариантларига стилистик изоҳ беришнинг бундай фарқли хусусиятлари, асосан, сўз қўлланиши ва уларнинг фонетик вариантларидаги эволюцион ўзгаришларни акс эттиради ёки бу луғатларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади.

Рус ва ўзбек тиллари луғатларида сўз талаффуз вариантларининг стилистик белгиларини беришда хилма-хиллик кузатилиши ушбу луғатларда сўз фоновариантларини стилистик баҳолаш мезонларини мукаммал ишлаб чиқиш зарурияти ҳақида далолат беради. Тил бирликларининг стилистик бўёғи жамиятда юз бераётган иқтисодий, сиёсий, лингвистик ва бошқа ўзгаришларга боғлиқдир, улар тил эгасидан янги ижтимоий-тил малакаларни, меъёрларни талаб қиласди. Ушбу малакалар ўз навбатида тил бирликларининг нутқий қўлланишидаги ўзгаришларга олиб келади. Бу сўзлар, сўз бирикмалари, гапларнинг фоновариантларига ҳам таъсир кўрсатади.

Тил ривожининг асосий тенденцияларини аниқлашда лексик бирлик ва уларнинг луғатлардаги вариантларига функционал-стилистик ёки бошқа луғат белгисини адекват қўйиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари луғатларида сўз фоновариантлари стилистик бўёғи воқеланишининг таҳлили натижаларини 1- ва 2-жадвалларда кўриб чиқсан.

1-жадвал

**С.И. Ожегов ва Н.Ю. Шведованинг “Толковый словарь русского языка”
луғатида бошқача стилистик маркировкага эга бўлган “Большой
толковый словарь русского языка” луғатидаги сўз фоновариантлари
стилистик бўёғининг сифат-миқдор характеристикаси**

| Сўз фоновариантлари сони | Абсолют сонларда | Фоизларда |
|---|------------------|-----------|
| Сўз фоновариантлари характеристи | | |
| Стилистик нейтрал | 110 | 26,4 |
| Китобий | 2 | 0,5 |
| Стилистик бўёққа эга бўлган | 6 | 1,4 |

| | | |
|---|------------|------------|
| Анъанавий-поэтик | 9 | 2,2 |
| Халқона-поэтик | 1 | 0,2 |
| Махсус (профессионал) | 4 | 1 |
| Сўзлашув | 32 | 7,7 |
| Сўзлашув-қуиилаштирилган | 4 | 1 |
| Халқона-сўзлашув | 8 | 1,9 |
| Эскирган | 13 | 3,1 |
| Фоновариантларнинг бири йўқ | 212 | 51 |
| Фоновариантлар алоҳида мақола билан расмийлаштирилган | 15 | 3,6 |
| Жами | 416 | 100 |

2-жадвал

“Узбекско-русский словарь” да бошқача стилистик маркировкага эга бўлган “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” даги сўз фоновариантлари стилистик бўёғининг сифат-миқдор характеристикаси

| Сўз фоновариантлари сони | Абсолют сонларда | Фоизларда |
|---|------------------|------------|
| Сўз фоновариантлари характеристи | | |
| Стилистик нейтрал | 37 | 12,2 |
| Китобий | 22 | 7,2 |
| Стилистик бўёққа эга | 6 | 2 |
| Сўзлашув | 79 | 25,9 |
| Кам қўлланадиган | 19 | 6,3 |
| Эскирган | 10 | 3,3 |
| Шевага хос | 16 | 5,3 |
| Фоновариантларнинг бири йўқ | 107 | 35,2 |
| Фоновариантлар алоҳида мақола билан расмийлаштирилган | 8 | 2,6 |
| Жами | 304 | 100 |

Умуман олганда, ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари луғатларида сўз фоновариантлари стилистик бўёғи воқеланишининг қиёсий-типологик хусусиятлари натижалари бўйича қуидагиларни қайд этиш мумкин:

1. Ҳозирги рус ва ўзбек тиллари луғатларидан бири, ўз мақсад ва вазифалари ва тил материалининг характеристидан келиб чиқсан ҳолда, сўз ёки сўз бирикмасининг стилистик бўёққа эга бўлган фоновариантини қайд этмаслиги мумкин.

Тадқиқ қилинаётган тиллар луғатларида фоиз мутаносиблиги С.И. Ожегов ва Н.Ю. Шведованинг “Толковый словарь русского языка” луғатида 51%ни, “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да 35,6%ни ташкил этади. Одатда, улар сўзлашув ёки эскирган характердаги фоновариантлар бўлиб, улар сўзловчиларнинг меъёрий нутқи таркибига кирмайди. Луғатларда қайд этилмаган сўзлашув ёки эскирган характердаги стилистик бўёққа эга бўлган фоновариантлар сони сўзларнинг қайд этилмаган стилистик нейтрал фоновариантлари сонидан кўп, бу юқорида кўрсатилганидек, луғатларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Бу бир луғатда бошқа луғатда кўрсатилган стилистик белгига эга сўз шакли фоновариантининг йўқлиги билан ҳам изоҳланади.

2. Ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари луғатларида стилистик белгиларни беришдаги ҳар хилликлар сўз фоновариантни қўлланилиш соҳасини акс эттиради, яъни у ёки бу сўз фоновариантининг тил эгалари нутқига кириш ёки чиқиш жараёнини ифодалайди. Бунга боғлиқ ҳолда фоновариантнинг стилистик бўёғи ёки нейтраллашади, ёки қайта фикрланади. Шундай вазиятлар ҳам учрайдики, таҳлил қилинаётган луғатларнинг бирида сўзлар фоновариантлари қайд қилинса, иккинчисида улар стилистик teng, нейтрал сўз сифатида кўрсатилади. Бундай мисоллар луғатларнинг мақсад ва вазифаларинигина эмас, балки сўз фоновариантларини қўллаш эволюциясини ҳам кўрсатади: стилистик бўёққа эга бўлган айрим сўзларнинг фоновариантлари фаоллаштирилади ва астасекин тил эгаларининг меъёрий нутқига кириб боради, чунки уларнинг стилистик бўёғи частота фактори остида нейтраллашади, бошқалари эса, аксинча, стилистик жиҳатдан teng ва нейтрал фоновариантлар бўлган ҳолда, кейинчалик стилистик қайта фикрланишга сабаб бўлади. Шунинг учун сўзлар фоновариантларининг асосий сони сўзлашув фоновариантларига тўғри келади, улар бошқа луғатларда стилистик нейтрал, teng фоновариантлар сифатида берилганини кузатиш мумкин. Стилистик нейтрал фоновариантлар эса кўпинча бошқа луғатларда сўзл. стилистик белгисига эгадир.

3. Ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари луғатларида стилистик белгиларни беришдаги ҳар хилликлар сўз фоновариантни қўлланилиш эволюцияси жараёнини ҳам акс эттириши мумкин, бунда сўз фоновариантларидан бири эскиради. Сўзларнинг эскирган фоновариантлари баъзан фаоллаштирилади. Зеро, сўзларнинг эскирган фоновариантлари активизацияси стилистик нейтрал нутқда ҳам, стилистик бўёққа эга нутқда ҳам кузатилиши мумкин.

4. Ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари лугатларида стилистик белгиларни беришдаги ҳар хилликлар, шунингдек, сўз фоновариантлари бирининг мустақил лексик бирликка айланиш жараёнини ҳам акс эттириши мумкин.

Ҳозирги рус ва ўзбек адабий тиллари лугатларида стилистик белгиларни беришдаги ҳар хилликлар ва уларнинг ўзига хосликлари сўзлар фоновариантлари қўлланилиш соҳасини мунтазам янгиланиб туриши билан шартланган бўлади.

Сўзлар фоновариантларининг адекват воқеланиш функциялари хусусиятларини кўрсатиш учун стилистик белгиларнинг такомиллашган системаси зарур. Ушбу система сўзлар фоновариантларининг нафақат қўлланилиш соҳалари, балки уларнинг тўхтовсиз ривожланиш тенденцияларини – стилистик ёки лексик қайта фикрланиш жараёнларини ҳам кўрсата олиши керак.

Кўринадики, ушбу муаммоларни ҳал қилишда ва лугатларда тил бирликларининг стилистик бўёғи қўлланилишини адекват тасвирлашда ҳар бир тил бирлиги талаффузининг когнитив белгиларига алоҳида эътибор қаратиш зарур, зоро улар лингвокультурологик муҳитга боғлиқ ҳолда шаклланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Большой толковый словарь русского языка / Глав. ред. С.А. Кузнецов. – Санкт-Петербург: Норинт, 2002. – 1536 с.
2. Ожегов С.И., Шведова Н.Ю. Толковый словарь русского языка. – М.: Азбуковник, 2000. – 944 с.
3. Узбекско-русский словарь /Под ред. С.Ф.Акобирова и Г.Н.Михайлова. – Ташкент: УзСЭ, 1988. – 727 с.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 2 томли / З.М.Маъруфов таҳр. ост. – М.: Русский язык, 1981.